Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 29 yanvar, seshanba
№ 12 (14503)

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги қутлуғ сана — "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг ташкил этилганига 10 йил тўлиши муносабати билан чин қалбимдан самимий табриклайман.

Юртимиз ўз истиқлолини қўлга киритган дастлабки йиллардаёқ миллий авиакомпаниямиз ташкил этилгани бизнинг мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида қўйган муҳим қадамларимиздан бири бўлган эди.

Шу маънода, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашувида, дунёдаги кўплаб давлатлар билан ҳар томонлама самарали ҳамкорлик ўрнатиш жараёнида фуқаро авиациямиз ўзига хос алоҳида ўринга эга десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Сизларнинг ўтган 10 йил мобайнида эришган ютуқларингиз Ватанимиз фуқаро авиациясини ривожлантириш борасида биз танлаган стратегик йўл нечоғли тўғри бўлганини яққол кўрсатиб турибди. Бу стратегик йўлнинг маъно-моҳияти сиз, мана шу соҳа ходимларига айниқса яхши маълум, деб ўйлайман.

Биз жаҳон бозорига чиқишда авиация улкан имкониятларга эга эканини инобатга олиб, ўтиш даврининг муқаррар қийинчиликларига қарамай, ушбу соҳа ривожига устувор аҳамият бердик. Самолётлар паркини замонавий талаблар асосида янгилаш билан бирга, аэропортларни тубдан қайта қуриш ва ҳаво ҳаракатининг бошқариш тизимини ислоҳ этиш ишлари амалга оширилди.

Нисбатан қисқа муддат ичида ҳаво транспортига хизмат кўрсатиш ҳамда энг замонавий самолётларни бошқарадиган юксак малакали учувчи ва техник кадрлар тайёрлаш борасида халқаро андозалар ва илғор технологияларга асосланган мустаҳкам база яратилди.

Бугунги кунда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" белгиси билан парвоз қилаётган самолётлар турли давлатларда жойлашган 40 дан зиёд аэропортга мунтазам қатнаб турибди.

Жамоангизнинг энг ишончли ва барқарор ривожланаётган авиакомпания деган юксак номга сазовор бўлгани барчамизга ғурур ва ифтихор бахш этади, албатта.

Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини оширишда қўлга киритган натижалари учун авиакомпаниянинг нуфузли халқаро авиация ташкилотлари томонидан бир неча бор тақдирлангани айниқса таҳсинга лойиқдир.

Энг муҳими, ўтган йиллар давомида авиация соҳасида амалга оширилган чуқур ўзгаришлар мамлакатимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашда, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада оширишда ўзига хос омил бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида халқимиз эришаётган салмоқли ютуқларда Ўзбекистон ҳаво флоти ходимларининг — учувчилар, штурманлар, муҳандислар ва диспетчерларнинг, сиз, кўпмиллатли жамоа аъзоларининг муносиб ҳиссангиз бор.

Ишончим комилки, сизларнинг юксак малакангиз, билим ва тажрибангиз, мардлик ва маҳоратингиз соҳани янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг салоҳиятини оширишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор қутлар эканман, Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган олижаноб ишларингизда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Сизларга ҳамиша юксак ва бахтли парвозлар ёр бўлсин, азиз дўстларим!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Давлатимиз раҳбарининг Фармони билан «Ўзбекистон Ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 10 йиллиги муносабати билан фуқаро авиацияси ходимларидан бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак орден ва медаллари билан тақдирландилар. Таҳриятимиз ва газетамиз мухлислари номидан уларни юксак мукофотлар билан самимий табриклаймиз!**

## ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетида факультетлараро ўтказилган "Қувноқлар ва зукколар" беллашувининг финал босқичи бўлиб ўтди. Унда университетнинг халқаро журналистика, инглиз филологияси ва таржимонлик факультетлари талабалари иштирок этишди. Беллашувда талабаларнинг айрим ҳаётий муаммоларни ҳажв шаклида саҳнага олиб чиққанлиги барчага манзур бўлди.

Университет "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган бу беллашувда инглиз филологияси — биринчи, таржимонлик факультети — иккинчи, халқаро журналистика факультети талабалари эса — учинчи ўринни эгалладилар.

Саид АБДУЛАЗИЗ

## МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛЛАРИ

Мустақиллигимизнинг илк даврида ҳаммамиз ҳам "Made in Uzbekistan" ёрлиғи билан маҳсулотларимиз хорижга чиқишни орзу қилгандик. Яратганнинг инъомини қарангки, қисқа фурсатда орзуимизга эришдик.

Бугунги кунда "Ўзавтосаноат" ассоциацияси маҳсулотлари Ўзбекистон тамғасида хорижга чиқарилмоқда. Қолаверса, мамлакатимиздаги автомобилсозлик соҳаси тараққиёти, Ўзбекистоннинг имкониятларининг истиқболи дунёни тан олишга мажбур қилди. Рақобатлар қуршовидан чиқиш баъзи қудратли корхоналар маҳсулотларига ҳам насиб этмаётган бир даврда, "ЎзДЭУавто" корхонаси маҳсулотининг Россия бозорларида кенг қамровда сотилиши, Буюк Британиянинг Саутгемптон шаҳридаги "Авто Терминал" тест марказида Ўзбекистоннинг "Дамас", "Нексия", "Тико" автомобиллари Европа Иттифоқи стандартларига мувофиқлигини аниқлаш учун синовдан ўтказилаётгани мамлакатимиз фуқаролари фахридир. "Ўзбек автомобиллари ўз дизайни ҳамда ёқилғини кам сарфлаши билан бизга маъқул келди. Бу йил компаниямиз 6 мингта автомобиль сотиб олади. 2003 йилга бориб импорт сонини 30 мингтага етказамиз", — дейди "МЕКС Коммодитис" компанияси бошқаруви раиси Тони Вест-брук. Ушбу компания Ўзбекистон автомобилларини Буюк Британияда сотиш учун ҳамкорлик алоқаларини боғламоқда. Европа бозорини ўзлаштиришда Ўзбекистон атвомобилсозлиги Ўрта Осиёдаги илк қалдирғочлардан бўлди.

"ЎзДЭУавто" корхонаси станоклари конвейридан "Дамас" илк бор 1996 йил 25 март куни чиқиб келган бўлса, "Тико" 1996 йил 15 июнда, 1996 йил 25 июнда эса "Нексия" дунё юзини кўрди. "Кенжа" "Матиз" эса мустақиллигимизнинг 10 йиллик тўйига муносиб совға бўлди.

(Ушбу мавзудаги материаллар билан 2- саҳифада танишасиз)

# ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ КЎРИНИШИ

**Мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёт йўли, давлат ва жамият ҳаётидаги ислоҳотлар янада жадаллашувининг муҳим омили бўлган икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга бағишланган референдум юртимизда юксак уюшқоқлик билан ўтди. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирнинг барча демократик тамойилларга мос, эркин овоз бериш йўли билан ўтгани мамлакатимизда демократия тобора мустаҳкамланиб бораётганининг яна бир намойиши бўлди.**

27 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов барча ватандошларимиз каби референдумда иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги 648-референдум участкасида овоз берди.

Шу ернинг ўзида Ислом Каримов маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига берган интервьюсида бундай муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлар ҳар қандай давлат ва жамиятни демократлаштиришга хизмат қилишини таъкидлади.

— Мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари мазкур референдумнинг мазмун-моҳияти, унинг давлат ва жамият ўзгаришидаги аҳамияти тўғрисида халқимизга етарли даражада маълумотлар берди,- деди Президентимиз. — Референдумга қўйилган масалаларнинг турмушимизда амалий натижаларини топиши сиёсий ҳаётимизни янада эркинлаштириш йўлида салмоқли қадам бўлади. Бу тадбир давлатни бошқариш, сиёсий тизимни такомиллаштиришда муҳим омилдир.

Референдум қонунчилик тизимимизнинг ўзгаришига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Аввало, янги қонунлар қабул қилиш, қонунчилик ва ижро ҳокимиятлари ўртасидаги муносабатлар янги босқичга кўтарилади, парламентнинг роли ва ваколатлари кучаяди. Юқори ва қуйи палаталарнинг вужудга келиши билан кучли қонунчилик ҳокимияти шаклланади.

Айтиш жоизки, қуйи палатамиз доимий ишлайдиган бўлади. Бу эса қонунчиликнинг янги босқичга кўтарилишига олиб келади ва ҳаётимизнинг барча жабҳаларидаги ислоҳотлар жараёнига ижобий таъсир этади.

Президентимиз юқори палатанинг мамлакатимиз учун катта аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратди.

— Биз тузмоқчи бўлаётган юқори палата ўз зиммасига анча-мунча ваколатларни олади,- деди давлатимиз раҳбари. — Жумладан, ижроия ҳокимияти кўпгина масалаларда айнан юқори палата олдида ҳисобот берадиган бўлади. Менимча, Президентнинг баъзи ваколатларини ҳам шу палатага бериш зарур. Биз бу палата ривожланган Ғарб мамлакатларидагига ўхшаш бўлишига ҳаракат қиламиз.

Бугун мамлакатимизда ўтаётган мазкур тадбирнинг ўзи демократиянинг бир кўринишидир. Бироқ Ўзбекистондаги демократияга нисбатан турли фикрлар билдираётганлар уни Европа ёки Америка демократиясига қиёслаб эмас, балки бизнинг демократияга эришиш йўлидаги динамикамизга қараб баҳоласа, тўғрироқ бўларди. Бу жараёнда умуминсоний ва демократик қадриятларни четлаб ўтмаган ҳолда кўп асрлик миллий ўзлигимизни ҳам унутмаслигимиз муҳим аҳамият касб этади.

Ислом Каримов референдумнинг ижобий натижалари мамлакатимиз сиёсий ҳаётини тубдан ўзгартиришини таъкидлади ва журналистларни қизиқтирган бошқа кўпгина саволларга жавоб қайтарди.

**Анвар КАРИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ОСОЙИШТАЛИК, ФАРОВОНЛИК, ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРИШЛАР ВА ТАРАҚҚИЁТНИ ЁҚЛАБ

**27 январда мамлакатимизда улкан ижтимоий-сиёсий тадбир — икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартириш масалаларига бағишланган референдум юксак савияда, демократия, очиқлик ва ошкоралик руҳида ўтди. Референдумда овоз бериш жараёни миллий парламентни ва президентлик институтини янада ривожлантиришдан иборат мустаҳкам конституциявий асосларга эга сиёсий ислоҳотлар ватандошларимиз томонидан фаоллик ва уюшқоқлик билан қўллаб-қувватланаётганининг яққол намойишига айланди.**

### ДАХЛДОРЛИГИМДАН ХУРСАНДМАН

Тенгдошларим билан референдумга пухта тайёргарлик кўргандик. Унда барчамиз фаол қатнашдик.

Ўз хоҳиш-иродамни эмин-эркин, холис ифода қилиш имкониятидан фойдаландим. Мен берган овоз истиқболимиз учун, ота-боболаримизга армон бўлиб қолган ёруғ кунлар — обод ва озод мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун хизмат қилишига ишонаман.

**Мехсетбек ОТАМУРОДОВ,**
**Қорақалпоғистон Республикаси,**
**"Ниҳол" мукофоти совриндори**

### БИРИНЧИ МАРТА

Бундай катта сиёсий тадбирда биринчи марта қатнашаётган бўлсам-да, референдумга киритилган масалаларни яхши тушуниб, онгли равишда овоз бераётирман.

Биз, чегарачилар қисмида хизмат қилаётган аскарлар юрт тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги, мамлакат равнақи учун овоз бердик.

**Соатмурод БОБОНОВ,**
**оддий аскар**



Абдувосит ХАЙДАРОВ, Азиз АКРОМОВ олган суратлар

### ИСТИҚБОЛИМИЗ УЧУН...

Умумхалқ маслаҳатлашуви ёшларимизнинг энг чиройли байрамига айланиб кетди, десам янглишмайман. Ҳар биримизнинг овозимиз мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга, тенгдошларим орасидан барча соҳаларда иқтидорли мутахассислар етишишига ижобий таъсир этади.

**Акмал СИДДИҚОВ,**
**талаба**

### ФАОЛ ҚАТНАШДИК

Мен Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканига қатъий ишонаман. Шунинг учун ҳам бугун референдумга киритилган масалаларни бажонидил маъқулладим.

Юртимиз бўйлаб ана шундай фаоллик, уюшқоқлик ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган референдум мамлакатимизнинг мустақиллиги мустаҳкамланишида, Ўзбекистоннинг миллий давлатчилик институтлари янада мукаммаллашувида ғоятда муҳим қадам бўлгани шубҳасиз.

**Қўлдош КЎЧАРОВ,**
**Термиз Давлат университети талабаси**

### ҚАРИЙБ 20 МИНГ НАФАР ЁШ ЙИГИТ-ҚИЗ

Андижон вилоятида бундай улкан сиёсий тадбирда илк бор қатнашди. Референдум участкаларида ёш йигит-қизлар биринчилардан бўлиб ўз хоҳиш-иродаларини намойиш этишди. Ростини айтсам, оддий ҳамюртларимизнинг давлат ва жамият қурилиши билан боғлиқ мана шундай муҳим масалаларга иштиёқ билан бевосита иштирок этаётгани барчани жуда қувонтирди.

**Нозим АШУРОВ,**
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти Кенгаши раиси**

### КЎТАРИНКИ РУҲДА

Умумхалқ маслаҳатлашуви Урганч тумани сайлов участкаларида ҳам кўтаринки руҳ ва уюшқоқлик билан ўтди. Туман аҳолиси эрталабдан белгиланган референдум участкаларида юртимиз келажаги учун овоз бердилар. Биринчи марта овоз бераётган ёшлар, айниқса, кўпроқ ҳаяжонланишгани, фахрланишгани уларнинг юз-кўзларидан сезилиб турарди.

**Пўлат ЭРМАТОВ,**
**«Turkiston» мухбири**

### БЕФАРҚ ЭМАСМАН

Тўғриси, шу ёруғ кунларга етиб келганимга шукроналар айтдим. Бизнинг ёшлик давримизда бунақа тадбирлар ҳеч бўлмаган экан. Ҳозир эса ҳар бир фуқаро давлат ишларига, давлат сиёсатига ўз муносабатини билдиради. Ёшим юздан ошиб, ушбу референдумда бажонидил қатнашдим. Невара, чевара, эвараларимнинг келажаги, истиқболи учун овоз бердим. Ёмон кунларни кўрдик, шукрки, яхши кунларга ҳам етиб келдик. Фарзандларимиз бораётган йўлдан уларни энди ҳеч ким қайтаролмаслигига қатъий ишонаман.

**Холбобо ТОШЕВ,**
**Қашқадарё вилояти, 1900 йилда туғилган**

«Камолот» hududi

# ИШОНЧЛИ КЎПРИК

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг тарихи Президентимизнинг Ҳаракатнинг Ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувидан бошланди, десак хато бўлмайди. Чунки айнан шу учрашувда Юртбошимиз тузилажак ижтимоий ташкилотнинг дастурига асос бўладиган фикрларни билдирган эди. "Бу Ҳаракат давлат ва ёшлар ўртасида бамисоли кўприк бўлиши, давлатимизнинг ёшлар сиёсатини уларга, уларнинг орзу-интилишлари ва муаммоларини эса давлат ташкилотларига етказиб туриши, уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши зарур", деб таъкидлаган эди Президент учрашувда.**

Бу вазифалар нечоғли амалга ошаётганини Бухоро вилояти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўтган 9 ой мобайнида ташкилотимиз ёшлар билан давлат ўртасида ишончли кўприкка айланишга улгурди, деб айта оламиз.

Ҳозирги кунда вилоят ташкилоти 1232 та бошланғич ташкилотга бирлашган. Улар 177 минг нафардан зиёд Ҳаракат аъзолари билан иш олиб бормоқда. Бундан ташқари, Ҳаракат ҳомийлигидаги Болалар ташкилотига ҳам вилоятдаги юз минг нафардан зиёд ўғил-қиз бирлашди.

Қилинган амалий ишлар ҳақида гапирадиган бўлсак, аввало, "Камолот"ни ёшларга таништириш тадбирларини айтиб ўтиш лозим. Бултур ёзда вилоятдаги 24 та болалар оромгоҳларининг ҳар бирида 2-3 мартадан "Камолот" кунлари"ни ўтказиб, бу тадбирлардан ўрин олган спорт мусобақалари, ватанпарварлик мавзуидаги маърузалар, иншолар танлови, шеърхонлик, китоблар тақдимоти ва ҳоказолар орқали ёш авлодни "Камолот"нинг мақсад-вазифалари билан илк бора таништириб, уларни Ҳаракат атрофида жипслашишга даъват этдик.

"Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида Болалар ташкилотининг биринчи республика форуми ўтказилди. Унда мамлакатнинг барча вилоятларидан чақирилган 152 нафар делегат қатнашди. 1991 йил 1 сентябрь куни таваллуд топган бу болаларнинг учрашуви мустақилликнинг ўн йиллиги олдидан ўзгача аҳамият касб этди. Шунингдек, "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" шиори остида ёз ойлари давомида Коғон ва Ғиждувон шаҳарларида, Пешку, Қоровулбозор, Ромитан туманларида ёшлар байрами ва мулоқотлари ўтказилди.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, улар онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириш, ёт ғоялар таъсиридан асраш мақсадидаги учрашув ва суҳбатлар деярли ҳар бир корхона, ташкилот, муассаса ва ўқув юртларида ташкил этилиб, уларда "Камолот" фаоллари билан бирга "Маънавият ва маърифат" марказлари, "Маҳалла", "Нуроний" жамғармалари, ҳуқуқ идораларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ёшларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бошқармаси билан биргаликда Бухоро шаҳри, Шофиркон, Коғон, Ғиждувон шаҳарларида меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, бунинг натижасида юзлаб йигит-қизлар иш билан таъминланди.

Қилинган ишларнинг сарҳисобини бирданига айтиш мушкул, албатта. Энг асосийси, бугун ёшлар "Камолот"ни таниди, бу Ҳаракат уларнинг манфаатига хизмат қилажагига ишонди. Биз, "Камолот"чилар эса, зиммамизга олган вазифамиз нақадар масъулиятли эканлигини чуқурроқ англадик. Ҳали бўлимларимизни, бошланғич ташкилотларни фидойи ва изланувчан кадрлар билан мустаҳкамлашимиз, ишни ташкилий ва амалий жиҳатдан юқори даражага кўтариш учун курашишимиз зарур. Дастлабки одимларимиз бизни бу борадаги муваффақиятлар сари руҳлантирмоқда.

**Садриддин ШАРОПОВ,**
**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Бухоро вилояти Кенгаши раиси**

